

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:

Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

З.Пардаева	
Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели	94
Ҳ.Жўраев, З.Раҳимов	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари	103
Х.Шарафиддинов	
Қофиянинг функционал ва структурал эволюцияси	106
Г.Муҳаммадҷонова	
Ижод психологизмининг бадиий талқини	110
Я.Нишанов	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
А.Маҳмудов	
Олмон адабиётшунослигида Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли	119

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамаҷонов, М.Мамаҷонов, Б.Полвонова	
Тилшунослиқда вариантлик масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билан муносабати	124
С.Мўминов, А.Юлдашев	
Сўз илмий талқинига бир назар.....	130
М.Зокиров, Ф.Исомиддинов	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида	134
Н.Умарова, О.Холматова	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида	139
Г.Розиқова, М.Қурбонова	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
Х.Сотвалдиева	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш	147
Ш.Кахарова	
Ўқитувчи мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари	151
Р.Абдуллаева	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари	155
Г.Мамадҷанова	
Лингвокультуремаларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари	159

ПЕДАГОГИКА

Т.Эгамбердиева	
Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳлили ва талқини	164
Х.Ибраимов, К.Тоджибаева	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклюзив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида	170

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Ҳакимов, Ш.Умурзакова	
Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишнинг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
Н.Валиева	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
М.Расулов	
Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни	182
Ф.Каримова	
Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси	186

МАҚОЛ ВА МАТАЛ ТУШУНЧАСИ, МАҚОЛЛАР СЕМАНТИКАСИ ХУСУСИДА
О ПОНЯТИИ “ПОСЛОВИЦА” И “ПОГОВОРКА” И СЕМАНТИКЕ ПОСЛОВИЦ

THE NOTION OF PROVERB AND PARABLE, SEMANTICS OF PROVERBS

Умарова Наргизахон Рустамовна¹, Холматова Одина Ўктамовна²,

¹Умарова Наргизахон Рустамовна,

– Фарғона давлат университети, тилшунослик кафедраси доценти, филология фанлари доктори.

²Холматова Одина Ўктамовна,

– Фарғона давлат университети, мустақил изланувчи.

Аннотация

Мақолада мақоллар ва маталлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, илмий талқини, мақоллардаги семантик ўзгаришлар ва улар синонимияси ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

В статье речь идёт о пословицах и поговорках, особенностях, научном толковании, семантических изменениях и синонимии пословиц.

Annotation

Proverbs, parables and their features, the scientific interpretation of the semantic changes in proverbs and their synonyms are discussed in this article

Таянч сўз ва иборалар: мақол, матал, нақл, ҳикматлисўз, таянчлуғавийбирлик, мақолларсемантикаси, синониммақоллар, предикат, ҳукм.

Ключевые слова и выражения: пословица, поговорка, крылатые слова, афоризм, опорная словарная единица, семантика пословиц, синонимичные пословицы, предикат, суждение.

Key words and expressions: proverb, parable, quotations, aphorism, saying, support lexical unit, meaning of proverbs, synonym proverbs, predicate, verdict.

Ўзбек тилида ҳикматли ибораларни, умуман, мақол деб аташади [1:5], аммо бу тушунчани ифодалаш учун ўндан ортиқ атама қўлланилади: мақол, матал, масал, нақл, ҳикмат, танбеҳ, зарбулмасал, ҳикматли мақол, халқ ибораси, халқ сўзи, донишмандлар сўзи, донолар сўзи, яхшилар сўзи, бурунгилар сўзи, улуснинг сўзи, авомуннос масали, ҳикматли сўз ва ҳоказо [2:6]. Халқ ҳикматлари инсонга, унинг танловига, қадриятларига, инсон ўзи учун меъёр деб билган нарсаларга тўлиқ боғлиқ бўлган тизимнинг бир қисмидир [3:180].

Нутқда ахборот бериш воситаси мақол бўлса, шу ахборотни жонли тимсолларда етказиш, уни далиллаш, исботлаш воситаси маталдир. Маталларда турли хил ҳолатлар образли қилиб тасвирланса, мақолларда эса тарбиявий жиҳатлар яққол намоён бўлади, шунингдек, маслаҳат, буйруқ, дарак мазмунини ифодалаш билан маталлардан фарқланиб туради. Масалан:

Мақол: “Йиртиқ уйни ел топар, Ёлгон сўзни чин топар” ёки “Маддоҳнинг ваъзига ишонма, Голибнинг – сўзига”.

Матал: “Уйида чакса уни йўқ – том бошида қўш тандир”.

Б.Жўраева ўзининг номзодлик иши [4:10] ва “Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик луғати”да қайд этишича, мақолларнинг маталлардан асосий фарқи “мақолларнинг идиомалашган кўчма маънога эга эканлигида ва маталларнинг бу хусусиятга эга бўлмай, фақатгина тўғри маънода қўлланишида” кўринади [5:10].

Бизнингча, бу ўринда мақол ва матал тушунчалари изоҳида бироз ноаниқликка йўл қўйилган, яъни уларга хос изоҳлар ўрни алмашиб қолганга ўхшайди. Бу фикримизни “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да мақол ва маталга берилган таърифлар ҳам тасдиқлайди: “Мақол – ар. мақола, кичик асар; сўз, нутқ. Ҳаётини тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда, панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам,

образли, тугал маъноли ва ҳикматли ибора, гап” (ЎТИЛ, II, 569). Энди “ЎТИЛ”нинг шу жилди, 555-бетда берилган *матал* сўзи изоҳига эътибор қаратайлик: “*Матал* – ар. 1. Тугал маъно ифодаламайдиган образли ибора, ҳикматли сўз (мас., “қизил қор ёққанда”, “туянинг думи ерга текканда”); 2. Қисса, масал” (ЎТИЛ, II, 555). Кўринадики, ҳар иккала атама изоҳида ҳам уларнинг луғавий маънолари деярли бир хил талқин этилмоқда.

Кўпгина олимлар мақол ва матални айнан “ЎТИЛ”да берилган луғавий маънолари асосида бир тушунча доирасида изоҳлайдилар. Лекин бу ўринда фақат матал изоҳидаги *тугал маъно ифодаласлик* белгиси матални мақолдан фарқлаш учун асос бўла олади. *Мақол* сўзининг луғавий маъноси таркибидаги “мақола” ва “кичик асар” ифодалари ҳам мақол ва матал тушунчасини маълум маънода тафовутлайди.

Илмий адабиётларда мақол ва матал атамалари деярли фарқланмайди. Ҳатто баъзи манбаларда паремалар таркибида унинг турлари сифатида фарқланган бўлишига қарамай, мақол ва матал терминлари изоҳи чалкаштириб юборилган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин [8:12]. Мумтоз адабиётда *мақол* истилоҳи “сўз”, “нутқ”, “гап” тушунчаларини англатган [9:234] бўлса, “мақол” тушунчасини ифодалаш учун *масал* истилоҳи қўлланади [9:237]. Масалан, мумтоз шеъриятда мақол қўлланаётган матндаги *масалдурким*, *масалким*, *масал будур* каби бирикмалар “мақол” тушунчасини англатиб келади. Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари номидаги “масал” сўзи ҳам айнан “мақол” ифодасига эга.

Олимлар ўртасида мақол ва матал атамаларига муносабат борасида бир хиллик йўқ. Айрим олимлар мақол ва маталларни маълум интеграл белги асосида бир гуруҳга, бир парадигмага бирлаштирсалар-да, уларни муайян дифференциал белгилари асосида фарқланувчи алоҳида бирликлар сифатида эътироф этадилар.

Ғ.Саломовнинг фикрича, “матал нарса ва ҳодисаларни образли ифодаловчи, тилда кенг ишлатиладиган фразеологизм ва нутқ оборотларидир. Матал сўзловчининг ўз

нутқи мазмунига муносабатини ифодалайди” [10:25]. Ғ.Саломовнинг фикрича, маталлар модаллик ифодасига эга.

Айрим олимлар эса мақол ва маталларни бир ҳодисанинг турли номлари сифатида эътироф этиб, мазкур бирликларнинг фарқини инкор этадилар. Жумладан, бу ҳақда “Ўзбек халқ мақоллари” китоби сўзбошисида куйидагича фикр билдирилади: “Мақоллар матал, масал, ҳикматли сўз, зарбулмасал каби бир қанча шаклларда учраса ҳам, ҳозирги ўзбек тилида мақол шаклида мустаҳкамланган” [11:5].

Бундан кўринадики, Ш.Шоабдурахмонов мақол ва маталларни бир тушунча остида умумлаштиради, уларнинг ўзига хос белгиларига эса эътибор қаратмайди. Мақолда фикр аниқ ва тугал, хулоса лўнда ҳукм тарзида ифодаланади, маталда эса фикр тугал бўлмайди. Мақол ва матал ўртасидаги тафовутни англаш бироз қийинроқ. Масалан, матал кўчма маънода ишлатиладиган мажозий ибораларнинг бир тури бўлиб, уларнинг мазмуни кўчма маънога асосланган бўлади.

Баъзи тадқиқотчилар уларнинг алоҳида бирликлар эканлигини таъкидлаган ҳолда, мақол ва маталларни паремик бирликлар сифатида қайд этадилар. Уларни бирлаштирувчи белгилар сирасида “барқарорлик” ва “тайёрлик” кўрсатилади [12:33].

Тилда бу каби ҳикматли сўзларни семантик жиҳатдан тафовутлаш мақсадга мувофиқдир, чунки улар берилаётган ахборотни ифодалаш характерида кўра бир-биридан фарқ қилади.

Жамиятда бўлгани сингари тилда ҳам бир неча бирликлар ёнма-ён яшар экан, албатта, улар бир-бирига таъсирда ва ўзаро муносабатда бўлиши, бу муносабат натижаси ўлароқ, бир-бирига томон силжиши мумкин. Ғ.Макробийнинг “Грамматика”сида келтирилган “*Қарға қарганине кўзини чўқимайди*” ҳикматли сўзи “Ўзбек халқ мақоллари луғати”да шундай изоҳланади: “Қарға-қузғунлар одамнинг ё бирор ҳайвоннинг очиқ ерда қолиб кетган мурдасини кўриб қолса, аввал унинг кўзини чўқиб ер экан-да, кейин гўштини ея бошларкан. Аммо тирик қарға ва қузғун ўлик қарға ва қузғуннинг кўзини чўқимас экан” [6:321]. Демак, бу пайтда ҳикмат ўз

ТИЛШУНОСЛИК

маъносида ишлатилган бўлиб, матал саналган. Вақт ўтиши билан идиомалашини натижасида мақолга яқинлашган.

Яна бир жиҳат борки, айрим мақолларнинг лексик таркиби ўзгариб, янги вариантлари ҳам пайдо бўлиши мумкин. Жумладан, Навоий асарларида қўлланган “Мушк иси яшурса бўлмас” мақоли бугунги кунда “Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади” [7:22] шаклида учрайди.

Тилнинг мақол жамланмасида мақол-матал типли паремик бирликлар ҳам борки, улар ўзида ҳам мақоллик, ҳам маталлик хусусиятларини намоён этади. Бундай бирликларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг бир қисми ўз маъносида, иккинчи қисми эса кўчма маънода қўлланади. Масалан, Олтиннинг яхшиси – янтоқ, *Хотиннинг яхшиси – қалмоқ* мақолининг биринчи қисми кўчма маънога, иккинчи қисми эса тўғри маънога асосланган.

Мақоллар мазмунан тугал фикрга эга бўлади ва улар алоҳида қўлланса ҳам маъно англатаверади. Маталларни сўзловчи нутқининг бирор муҳим қисми бўлгани боис алоҳида қўллаш имконияти чегараланган, чунки уларда фикр мазмунан тугал бўлмайди.

Ҳар бир мақол ўзида давр руҳиятини, ўз даврининг дунёқараши, тафаккури ва маданиятини акс эттиради. Шу боис мақолларда унинг қайси даврда ва қандай мақсадларда яратилгани, уларда қандай ижтимоий ҳодиса ва муносабатлар ифодалангани, акс этган воқеликнинг макон ҳамда замон билан боғлиқлиги, уларда эскирган ёки эскирмаганлик белгилари сезилиб туради.

Мақол қанчалик тарихий бўлса, лингвистик жиҳатдан ишловга шунчалик муҳтож бўлади. Бадиий адабиётда бу каби интерпретация мақолларнинг мазмун жиҳатдан ўзгаришига олиб келади. Масалан, Алишер Навоийнинг “Бир пашшага оламда еткурма зарар ҳаргиз” байтида қўлланган мақол Машраб ижодида ўзгаришга учраб, “Бас кишига текмасун хавфу хатар, Мўрға озор бермас яхшилар” тарзида қўлланади.

Агар ҳар икки мақол мазмунан қиёсланадиган бўлса, бу икки вариантга хос семантик фарқни англаш у қадар қийин эмас, чунки пашша ҳам, чумоли ҳам ҳашарот бўлишига қарамай, *чумоли* ўзида ижобий

баҳо, *пашша* эса салбий баҳо муносабатини намоён этади. Байтлар ана шундай баҳо муносабатлари доирасида таҳлил этиладиган бўлса, нафақат беозор чумолига, балки зарарли ва ёқимсиз пашшага ҳам ранжу озор етказмаслик зарур бўлади. Бу ўринда Навоий қаламига мансуб байт мазмунан катта салмоққа эга. Бундан кўринадики, мақоллар бадиий нутқининг мазмуний тақомилида ва таъсирчанлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Бу имкониятлар синоним мақолларда янада ёрқинроқ кўзга ташланади.

Мақоллар синонимлиги уларнинг шаклларида, образларида қатъи назар, мазмун жиҳатидан бири бошқаси ўрнида қўллана олиш имконияти мавжудлиги билан белгиланади.

Ш.Раҳматуллаевнинг таъкидлашича, “бундай алмаштириш натижасида маънода, стилистик бўёқда маълум ўзгариш юз беради. Бу, табиий. Акс ҳолда алмаштириш ўз мантиқини йўқотиб қўяди. Алмаштириш натижасида нимадандир халос бўламиз, нимагадир эга бўламиз. Ана шу “нималар” синоним ҳақида гапириш учун асос бўлади. Акс ҳолда, синонимга эмас, дублетга эга бўлинади” [13:55].

Ўзбек халқ мақоллари луғатига таяниб, Б.Жўраева [4:13] 220 тадан ортиқ синонимик уя топишга эришади. Бу уяларга 1100 тадан ортиқ мақол киритилган бўлиб, мақоллар синонимиясида бир уяга 20 тагача мақол бирлашиши кузатилади.

Синоним мақолларда ҳам худди лексик синонимлар каби семантик жиҳатдан даражаланиш кузатилади ва халқ мақоллари луғатида ана шу мазмуннинг ортиши асосида жойлаштирилади. Шу ўринда “Тежамкор ва тадбирли инсон ҳеч қачон қийин аҳволга тушиб қолмаслиги” ҳақидаги, етакчи компонентлари *бор-йўқ* модал сўзларидан ташкил топган мақолларни қиёслаб кўрайлик:

1. *Борида – кулдирина-кулдирина, Йўғида қараб ўтирина.*
2. *Борида – пора-пора, Йўғида – банда бечора.*
3. *Борида – тиқа-тиқа, Йўғида – сиқа-сиқа.*

4. *Борида* – *чилик-чилик*, *Йўғида* – *қуруқчилик*.

5. *Борида* – *Ҳотам*, *Йўғида* – *мотам*.

Мазкур мақоллардаги таянч лексемалар (*борида*, *йўғида*) пайт тушунчасини ифодалайди, улар ҳақидаги ҳукм туб ва ясама феъл лексемалар, от ва сифат лексемалар кўринишида намоён бўлади. Эътибор берилса, мақолларда предикат орқали ифодаланган ҳукмлар сўз такрори шаклида берилган бўлиб, уларнинг аксарияти тақлид сўзлар ва тақлидлар асосидаги ясалмалардир. Бу ўринда ҳукмларнинг тақдор шаклда ифодаланиши, бир томондан, борлик ва йўқлик ҳолатини образли тасвирлаш имконини беради ва натижада белги кучаяди, иккинчи томондан эса, нутқий экспрессияни юзага келтиради. Мақолларда предикатлар орқали ифодаланган ҳукмлар семантик жиҳатдан даражаланиш хусусиятига эга. Масалан: *кулдиринг-кулдиринг* → *пора-пора* → *тиқа-тиқа* → *чилик-чилик* → *Ҳотам*.

Юқоридаги синоним мақоллар мазмунини қуйидагича идрок этиш ва англаш мумкин, яъни бойлик инсонни хушнуд қилади, албатта, бу хушнудлик кулги

кўзгатади (*кулдиринг-кулдиринг*: халқимизда бу ҳолатни ифодаловчи “*Тилла топган тентакдек севинди*”, деган нақл ҳам бор), топилган мол-давлат катта-катта сарфлана бошлайди (*пора-пора*), ейиш ва созуришда чеклаш бўлмайди (*тиқа-тиқа*), хуллас, сарф ҳар қанча катта бўлмасин, ҳатто ортиши ҳам мумкин (*чилик-чилик*) ва, ниҳоят, ортиқчаси бошқаларга ҳам улашила бошланади (*Ҳотам*). Мақол матнининг иккинчи компонентидан эса дастлабки қисм мазмунига зид равишда *йўқчилик* ҳақидаги ҳукмлар ўрин олади ва уларда ҳам семантик даражаланиш кузатилади: *қараб ўтиринг* → *банда бечора* → *сиқа-сиқа* → *қуруқчилик* → *мотам*. *Йўқчилик* (‘қуруқчилик’) охир-оқибат мотамга олиб келади.

Синоним мақоллар борликда мавжуд бўлган бир-бирига ўхшаш ҳаракат-ҳолат, ҳодисалар мазмунини ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай мақоллар бир мазмунни турли хил шаклларда, образларда ифодалайди. Синоним мақоллар умумий мазмунни ифодалаши жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлса-да, ўзига хос маъно нозикликлари, айрим қўшимча маъно оттенкалари билан ўзаро фарқланиб туради.

Адабиётлар:

1. Ўзбек халқ мақоллари. – Т., 1981.
2. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984.
3. Хайруллина Д.Д., Хузина Е.А. Этическая оценка в пословицах и поговорках (на материале английского, русского и татарского языков) // В мире научных открытий, 2013. – № 5-3 (41).
4. Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002.
5. Жўраева Б. Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик луғати. – Т., Фан, 2006.
6. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати. Нега шундай деймиз. – Т., 1988.
7. Umarova N. Alisher Navoiy – badiiy so'z ustasi. – Farg'ona, 2010.
8. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1984.
9. Бердақ Юсуф. Мумтоз адабий асарлар луғати. – Т., 2010.
10. Саломов Ф. Тил таржимаси асослари. – Т.: Фан, 1966.
11. Шоабдураҳмонов Ш. Халқ донолиги // Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: Фан, 1984.
12. Ганиева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. – Т.: Фан, 2013.
13. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Т.: Фан, 1966.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)